

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 13 июль, № 136 (5810)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 91 530 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшар Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 11 июль

ТАШАББУС

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратилиб, кичик бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли ушбу соҳа истиқлол йилларида иқтисодий таъминнинг таянч устунига айланди.

Янги маҳсулотлар тақдимоти

Мамакатимиз янги ички маҳсулотиде унинг улуши 54,6 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми шундай субъектларда меҳнат қилаётгани бунинг асосий далилидир.

Мутахассисларнинг айтишича, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган янги тадбиркорлик субъектларининг бозорда ўз ўрнини топишида, хусусан, маҳсулотни таъминлаш, реклама қилиш ва харидорларга етказиб беришда дастлабки кўмак муҳим бўлади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмо-

ли товарларининг тақдимоти йўлида таъминлаш ташаббусини илгари сурди.

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб номланган илк тақдимотда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бир қатор тадбиркорларнинг маҳсулотлари намойиш этилди. “Eclair Cosmetic LTD” ва “Natek” корхоналарида ишлаб чиқарилаётган косметика ва гигиена воситалари, “Ishonch-M” ва “E’tiqod” корхоналарида тайёрланаётган мебель жихозлари, шунингдек, “Solar Energy Products” МЧЖнинг қўёш панеллари, айниқса, иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Камолот ва нафосат мактаби

Юртимизда хотин-қизлар спорти, хусусан, унинг нафис тури бўлмиш бадий гимнастика жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Сабаби, ушбу спорт тури қизларнинг соғлом бўлиб улғайишига, ирода-сини мустаҳкамлашга ёрдам беради, уларни

мақсад сари дадил интилишга ўргатади. Мусиқага бўлган қизиқишини ошириб, маънавий оламини бойитади. Ана шу омиллар эътиборга олинб, жойларда бадий гимнастика билан шугулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.



БАДИЙ ГИМНАСТИКА

лари ҳам минглаб спортсевар қизларни маънан ва жисмонан барқамол этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар гимнастика спорт мактабининг ҳам бу борадаги хизмати бекиёс. Ҳозир бу ерда 583 нафар ёш спортнинг гимнастика, акробатика, бадий гимнастика турлари бўйича билим ва маҳорат эгаламоқда.

— Хореография, ёпиқ спорт заллари, ёзги майдон ҳамда сузиш ҳавзаси ёшларимиз ихтиёрида, — дейди мактаб директори Насибулло Мадрохимов. — Таълим муассасамиз капитал реконструкция қилинган, қўшимча бадий гимнастика зали ҳамда маъмурий бинога ҳам эга бўлди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси машғулот залларини зарур инвентарлар билан жиҳозлаб берди. Ҳозир жамоамизда меҳнат қилаётган мутахассислардан ўн етти нафари республика ва халқаро тоифадаги мураббийлардир. Улардан билим ва маҳорат ўрганаётган ўқувчиларимиз орасидан келгусида Ватанимиз байрогини баланд кўтаришга қодир жаҳон чемпионлари ҳамда етук мураббийлар етишиб чиқишига ишонамиз.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Ихчам ускуналарнинг катта имконияти



Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2013” саккизинчи ҳамда “Uzbekistan Agrotech Mash Expo — 2013” иккинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Ушбу нуфузли тадбирлар ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш, фермер ва деҳқонларнинг илғор минитехнологиялар, ихчам ускуналар ҳамда бошқа техника воситаларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим бозор механизми вазифасини бажараяпти. Иштирокчиларнинг талаб-истаклари асосида у янги йўналиш ва мавзулар билан бойитиб борилаётгани тадбирга бўлган қизиқишни янада оширмоқда. Масалан, шу йилнинг 28 — 31 май кунлари бўлиб ўтган

навбатдаги кўргазмаларда қурилиш материаллари, енгил саноат ва сервис соҳаси учун зарур технология ускуналар ҳам намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирли ўринбосари Б. Абдусаматов қайд этганидек, компания ва фирмаларга ўз маҳсулотларини намойиш қилиш учун кўргазма майдонларининг текин ажратилиши, хориждан олиб келинаётган технология ускуналар божона тўловларидан озод қилиниши

каби имтиёзлар туфайли кўргазмаларга халқаро доирада ҳам қизиқиш кучаймоқда. Хусусан, бу йилги тадбирларда жаҳоннинг унлаб мамлакатларидан илғор компаниялар юзлаб маҳсулотлари билан қатнашди. Кўргазмалар ташкилотларининг айтишича, жорий йилда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иккита муҳим кўргазманинг бир пайтада ўтказилиши қутилган самарани берди: қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари, қайта ишлаш жиҳозлари ва минитехно-

логиялар олди-сотдиси бўйича умумий қиймати 120,1 миллиард сўмлик 1185 та шартнома ва келишув битими имзоланди. Уларда мева-сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари тайёрлаш, хизмат кўрсатиш, тўқимачилик, енгил саноат, қандолатчиликни ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳалар қамраб олингани қувонарлидир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмолчи манфаати устувор

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Бугунги кунда қўмита ва унинг ҳудудий тузилмаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларининг мунтазам йўлга қўйилгани натижасида истеъмолчилар манфаатларига зид ҳолатларнинг олди олинаяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида қўмита ва унинг ҳудудий органларига 2164 та ариза ҳамда шикоятлар келиб тушди. Мурожаатларнинг аксарияти коммунал, савдо, транспорт,

алоқа ва бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Шу боис қўмита тегишли ташкилотларга истеъмолчи ҳамда хизмат кўрсатувчининг ҳуқуқлари, мажбуриятларини бажармасликнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш тақлифини берди. Зарур ҳолларда эса, уларга нисбатан чоралар кўрилмоқда. Масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлиги учун

“Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонасига нисбатан иш кўзгатилиб, кўрсатма берилган эди. Унга қўра, корхона зиммасига газ сарфини ҳисобга олиш асбобларини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш муддати келишидан аввал шу ҳақда аҳолини огоҳлантириш ҳамда қиёслаш кўригидан ўтказмаганлиги учун қўшимча қарздорлик ҳисоблашни тўхтатиб туриш юклатилган эди. Бироқ “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси бу ҳолатларни ўз вақтида бартараф этмади. Натижада унга қонунчиликда белгиланган тартибда жарима санкцияси қўлланилди.

Д. УЛУФОВ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2013 йилнинг 4 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи томонидан киритилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонун лойиҳасининг кенг муҳокамаси бошланмоқда

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Қонунчилик палатаси томонидан “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилиш учун “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси томонидан Экология ва атраф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасига юзасидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, умумлаштириш, экспертларни, мутахассисларни, олимларни ва жамоат ташкилотларни вакиллари жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиш ҳамда тақлиф қилишни таъминлаш ва уч ой ичида мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ҳамда уни Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш топширилди.

Қонун лойиҳаси бўйича тақлиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атраф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасига йўллаганини сўраймиз.

Манзил: 100035, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўч. 1,
электрон почта: green@parliament.gov.uz, info@eco.uz
Тел.: 8(371)239-18-86, 239-45-19.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.



«Ўзбекистон
ҳаво йўллари»:

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ
ҲАЖМИ ОРТЯПТИ

12,3

фоизга
кўпайди.

Жорий йилнинг дастлабки уч ойида “Ўзбекистон ҳаво йўллари”
Миллий авиакомпаниясининг бир рейсида учадиган ўртача йўловчиларнинг сони

“Ҳаво кемалари” паркни янгилаш ва унификация қилиш бўйича дастурлар изчил амалга оширилиб, авиакомпания линияларида янги тежамкор самолётлардан фойдаланилаётгани, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилаётгани туфайли шундай ижобий кўрсаткич қўлга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экологик назорат тўғрисида

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экологик назорат соҳаси-даги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

экологик назорат — табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга ва экологик назорат субъектларининг атропо муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида, атропо муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор кўпайтириш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишларига қаратилган чоралар тизими;

давлат экологик назорати — махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тури;

идоравий экологик назорат — тасарруфидаги ташкилотларда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тури;

ишлаб чиқариш экологик назорати — юридик шахслар (ҳўжалик юритувчи субъектлар) томонидан ўз ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятида амалга ошириладиган экологик назорат тури;

жамоатчилик экологик назорати — фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тури.

4-модда. Экологик назоратнинг асосий принциплари

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонуний-лик, холислик, мустақиллик, ошқоралик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектнинг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаслик, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шароитлари ўз вақтида аниқланишининг устуворлигини таъминлашдан иборат.

5-модда. Экологик назоратнинг асосий вазифалари

Экологик назоратнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш;

атропо муҳитнинг ҳолатини кузатиш, атропо муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш;

атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор кўпайтириш борасидаги дастурларнинг ва алоҳида тадбирларнинг бажарилишини текшириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларини, фуқаролик жамияти институтларини, шунингдек фуқароларни атропо муҳит ҳолати ва ундаги ўзгаришлар, унинг олдиндан башорат қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш, атропо муҳит омилларининг фуқаролар соғлиғига таъсири ва салбий жараёнлар оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг иштироки фаоллигини ошириш.

6-модда. Экологик назорат турлари

Экологик назоратнинг турлари куйидагилардан иборат:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;
жамоатчилик экологик назорати.

7-модда. Экологик назоратга олиниши лозим бўлган объектлар

Экологик назоратга олиниши лозим бўлган объектлар куйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
атропо муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва антропоген манбалар;
атропо муҳит ҳолатининг ёмонлашувига, табиий ресурсларнинг ориқлаб кетишига, инсонлар яшши учун ноқулай шароитларга ва уларнинг соғлиғи ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги).

8-модда. Экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар

Экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар куйидагилардан иборат:

махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари — давлат экологик назоратини амалга ошириш қисми бўйича;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари — идоравий экологик назоратни амалга ошириш қисми бўйича;
юридик шахслар (ҳўжалик юритувчи субъектлар) — ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш қисми бўйича;

фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар — жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш қисми бўйича.

2-боб. Экологик назорат соҳасини тартибга солиш ва бошқариш

9-модда. Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

атропо муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор кўпайтириш дастурларини амалга ошириш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштириш, уларнинг атропо муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида ҳар томонлама иштирокини, ҳар бир фуқаронинг экологик ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш;

атропо муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор кўпайтириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атропо муҳитни таъминлаш;

атропо муҳитга ва фуқароларнинг соғлиғига транс-чегаравий таъсирни оғоҳлантириш, олдини олиш орқали миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, шунингдек атропо муҳитга ва фуқароларнинг соғлиғига зарар etkaziш хавфини бартараф этиш чораларини кўриш.

10-модда. Экологик назорат соҳасидаги бошқарув ва ўзаро ҳамкорлик

Экологик назорат соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар атропо муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш учун экологик назоратни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
экологик назорат соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди, ушбу соҳага оид давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

атропо муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни, экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Намунавий низомни, экологик хизмат тўғрисидаги Намунавий низомни, экологик назорат жамоатчи инспектори тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

экологик назорат соҳасида халқаро муносабатларни ривожлантиради.

12-модда. Махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазьрини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда атропо муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва такрор кўпайтириш соҳасида давлат назоратини ва тармоқлараро бошқарувини амалга оширадилар;

фуқаролик жамияти институтларига ва фуқароларга жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатадилар ва кўмаклашадилар;

атропо муҳит ифлосланиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятларни кузатиш ва эрта олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишини таъминлайдилар;

давлат экологик назоратини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқадилар ва уларнинг ижроси устидан назорат олиб борадилар;

экологик назоратни амалга оширувчи бошқа субъектлар билан ҳамкорликда экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Намунавий низомни, экологик хизмат тўғрисидаги Намунавий низомни ишлаб чиқадилар;

атропо муҳит давлат мониторингини юритадилар;
фуқароларнинг санитар-эпидемиологик хотиржамлигини ва радиациявий хавфсизлигини таъминлаш, атропо муҳит омилларининг инсон соғлиғига салбий таъсирини олдини олиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга оширадилар;

тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи экологик назорат соҳасидаги идоравий ҳужжатларни тасдиқлайдилар;

радиациявий хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида, ер қазьрини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, бузилган ерларни қайта тиклаш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар;

геологик ва минералогик объектларни муҳофаза қилиш, шунингдек ер ости сувларини ифлосланишдан ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибга риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар;

хавфли юклар ва портловчи моддаларни транзит ташижга хулоса берадилар ва берилган рухсатнома шартларининг бажарилиши устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар, хавфли юкларни транзит ташийшда уларни жойлаштириш жойларини,

транзит ташийш шартларини ва ҳолатини назоратдан ўтказадилар, шунингдек транзит ташийшнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда амалга оширилаётган транзит ташийшни тўхтатадилар;

автомототранспортнинг зарарли таъсиридан атропо муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича экологик меъёр ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар;

давлат сув ҳисоби ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг экологик назоратини ташкиллаштирадилар;
ўрмон фонди ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор кўпайтириш, ҳимоя қилиш соҳасида, ўрмон фонди ҳудудидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва овчилик ҳўжаликларида давлат бошқарувини ва назоратини амалга оширадилар;

белгиланган тартибда карантин қоидаларини, эпизоотиягга қарши тадбирларнинг ўтказилиши ва ҳайвонот дунёси объектларини касалликлардан ҳимоя қилиш қоидаларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

ўрмон фонди ўсимлик дунёсини бошқариш, ёнгиндан муҳофаза қилиш, шунингдек ўзбошимчалик билан кесиш ва ўсимлик дунёсига зарар etkazuвчи бошқа ҳаракатлардан муҳофаза қилишни амалга оширадилар, ўрмон фонди ерларида ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва такрор кўпайтиришни ташкил этадилар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирадилар;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва ер тузиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайдилар;

ерлардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклашни таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини мувофиқлаштирадилар;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат экологик назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

тегишли ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш фаолия-тининг асосий йўналишларини белгилайдилар;
ҳудудий экологик дастурларни тасдиқлайдилар ва ижросини назорат қиладилар;
атропо муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва такрор кўпайтириш устидан назоратни ташкиллаштирадилар.

13-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорати соҳасидаги ваколатлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғини) ўз ваколати доирасида:

тегишли ҳудудда атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонулар ва бошқа қонун ҳўжатларининг бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назоратини ҳамда ушбу масалалари бўйича ўз қарорлари ижроси назоратини амалга оширадилар;

нодавлат нотижорат ташкилотларига атропо муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятларни кузатиб бориш ва эрта олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишида, шунингдек жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш ва уларни ўқувини ташкил этишда кўмаклашадилар;

экологик назоратнинг бошқа турларини амалга оширилишида иштирок этадилар;
экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органига табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича тақлифларни киритиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар;

атропо муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш масалаларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, атропо муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишида иштирок этадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ижроия ҳокимияти органлари, тегишли ҳудудда жойлашган муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитидаи ва уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиладилар;
экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, жамоатчилик экологик экспертизасининг хулосалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қабул қилган қарорларини бажарманлиги ёки лозим даражада бажарманглик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга тақлифлар киритадилар.

Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш масалалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органнинг ва унинг мансабдор шахсининг мурожаати қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт.

14-модда. Экологик назорат жамоатчи инспектори

Экологик назоратни амалга оширишда, мамлакатнинг ҳудудларида атропо муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳолатни мониторинг қилишда фаол иштирок этишга интилувчан фуқаро эколог назорат жамоатчи инспектори бўлиши мумкин.

Экологик назорат жамоатчи инспекторлари инсти-тутини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштиришга фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон экологик ҳаракати билан ҳамкорликда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатадилар.

15-модда. Жамоатчилик экологик назорати соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш

Жамоатчилик экологик назорати соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзбекистон экологик ҳарака-тининг услубий қўллаб-қувватлаши ёрдамида фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

3-боб. Экологик назоратни амалга ошириш

16-модда. Экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

Давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Давлат экологик назорати экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида фаолият юритувчи мансабдор шахслари томонидан, назорат қилувчи органлар фаолиятини назорат қилувчи махсус ваколатли орган тасдиқлаган ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Идоравий экологик назорат давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан уларнинг фаолияти ва назорат объектларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда атропо муҳитнинг мониторинги режа-жадвали, назорат режа-жадвали, давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органларининг техник регламенти ва бош-қа услубий ҳўжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш экологик назорати юридик шахс (ҳўжалик юритувчи субъект) томонидан уларнинг фаолияти ва назорат объектларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастурлар, мониторинг режа-жадвали, юридик шахснинг техник регламенти ва бошқа услубий ҳўжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектлар экологик хизмат тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ тегишлича идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширувчи экологик хизматни ташкил этишлари мумкин.

Жамоатчилик экологик назорати фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар томонидан ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳўжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жамоатчилик экологик назорати экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда, улар томонидан идоравий экологик назорат ўтказилганда, юридик шахслар билан — улар томонидан ишлаб чиқариш экологик назорати ўтказилганда амалга оширилиши мумкин.

17-модда. Экологик назоратнинг усуллари

Давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик на-зоратининг асосий усуллари куйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳўжатлари талабларига риоя этилишини текшириш;

атропо муҳитнинг давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш мониторинги;

атропо муҳитнинг таркибий қисмларига таъсирларни ҳисобга олиш;

атропо муҳитнинг ҳолатини ва табиий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш, баҳолаш ва олдндан башорат қилиш;

атропо муҳитнинг ҳолатини ва табиий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш, баҳолаш ва олдндан башорат қилиш;
табиатни муҳофаза қилиш фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
бошқарув ва назоратнинг иқтисодий чоралари.
Давлат экологик экспертизаси давлат экологик назоратининг ёрдами усули ҳисобланади.

Жамоатчилик экологик назоратининг усуллари куйидагилардан иборат:

атропо муҳитнинг ҳолатини ва унинг ҳўжалик ва бошқа фаолият таъсири остида ўзгаришини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳўжатларига риоя этилишини кузатиш;
ҳўжалик ва бошқа фаолиятининг атропо муҳит ва инсон соғлиғига таъсири билан боғлиқ объектларда давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати ўтказилганда кузатувчи сифатида иштирок этиш;

экологик назоратнинг бошқа турларида иштирок этганда олинган натижаларни, шунингдек атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий сўров ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этилган инсоннинг яшаш ва

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экологик назорат тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва такрор кўпайтириш, атроф муҳит омилларининг фуқароларнинг соғлиғига зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган дастурларнинг ва алоҳида тадбирларнинг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома);

табиатни муҳофаза қилиш фаолияти натижаларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги статистик маълумотларни, бошқарув ва назоратнинг иқтисодий чораларини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари бўйича маълумотнома;

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларини бузган шахсларни тегишлича жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ҳужжат, тасарруфидаги ташкилот ва юридик шахснинг раҳбарига тақлифлар.

Давлат экологик назорат натижаларини расмийлаштириш қўйидагиларни тузиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин:

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши факти бўйича баённома;
юридик шахснинг (ҳўжалик юритувчи субъектнинг) ҳўжалик ёки бошқа фаолиятини у томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатта чеклаш ёки тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор;

юридик шахснинг (ҳўжалик юритувчи субъектнинг) ҳўжалик ёки бошқа фаолиятини у томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда ҳамда фавқулодда вазиятларнинг ва фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал хавфнинг юзага келишини бартараф этиш муносабати билан ўн иш кунидан ортиқ бўлган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни (зиёenni) қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси;
давлат экологик экспертизасининг ҳулосаси.

Жамоатчилик экологик назорати натижаларини расмийлаштириш қўйидагиларни тузиш орқали амалга оширилиши мумкин:

кузатув натижалари бўйича маълумотнома тузиш, шунингдек экологик назоратнинг бошқа турларида иштирок этиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича қарорлар қабул қилиш учун ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш чораларини кўриш учун экология ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий сўров ва жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини, шунингдек махсус алоқа тармоғи орқали келиб тушган маълумотни умумлаштириш;

жамоатчилик экологик экспертизасининг ҳулосасини тайёрлаш;

тегишли материалларни илова қилган ҳолда жамоатчилик экологик назорати натижалари бўйича тегишли органларга тақлифлар, ҳулосалар ва мурожаатлар тайёрлаш.

Жамоатчилик экологик назорати натижаларини расмийлаштириш қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа усуллар билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

19-модда. Экологик назорат натижаларини рўёбга чиқариш шакллари

Давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

юридик ва жисмоний шахсга аниқланган табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма бериш;
юридик шахснинг (ҳўжалик юритувчи субъектнинг) ҳўжалик ёки бошқа фаолиятини у томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга чеклаш ёки тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

юридик шахснинг (ҳўжалик юритувчи субъектнинг) ҳўжалик ёки бошқа фаолиятини у томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда ҳамда фавқулодда вазиятларнинг ва фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал хавфнинг юзага келишини бартараф этиш муносабати билан ўн иш кунидан ортиқ бўлган муддатга тўхтатиб туриш, шунингдек атроф муҳит ва фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни (зиёenni) қоплаш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларини бузган шахсларни тегишлича жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжат, тасарруфидаги ташкилот ва юридик шахснинг раҳбарига тақлифларни йўллаш;

давлат экологик назорати натижаларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларни, шунингдек фуқароларни атроф муҳитнинг ҳолати ва ундаги ўзгаришлар, унинг ҳолати тўғрисидаги баҳоратлар, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳит омилларининг фуқароларнинг соғлиғига таъсири ва салбий жараёнларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш.

Қўйидагилар жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш шакллари бўлиши мумкин:

экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва кенг жамоатчиликни жамоатчилик экологик назорати, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ижтимоий сўров ва жамоат эшитиув, жамоатчилик экологик экспертизаси натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш ва қарорлар қабул қилиш бўйича тавсиялар киритиш;

